

ЖАСОРАТЛИ СИНФ

ИНОМЖОН Мирзаев Андижон машинасозлик заводининг энг илгор ишчиларидан. Унинг бир ўзи бир неча станокни бошқаради.

В. Сироткин фотосы.

СИФАТ, ЯНА СИФАТ

ЯНГИ беш йиллигимиз ажойиб, кутлуг сана билан бошлангачи. Шу йилнинг баҳорида партиянинг навбатдаги XXIV съезди ўтди. Бу шонли санани меҳнатда муносиб ютуқлар билан қўшиб олиш ҳар бир совет ишчисининг муқаддас бурчидир. Зотан, ҳозир партияимизнинг улкан анжуманига аргизулиқ соғға тайёрлашдан муҳимроқ вазифа борми?

Съездга меҳнат тухфаси тайёрлаш янги йилдан бошланаётгани йўқ, албатта. Бунга анча илгаридан ҳозирлик кўриб келгач, партия ва ҳалқимиз биз саноат ҳодимлари олдида ҳам тобора янги-янги вазифалар қўймоқда.

Маълумки, турмушимиз йилдан-йилга фаровонлашиб бормоқда. Кишиларнинг диди тобора ўсиб борапти. Улар чиройли, бежирим кийиминишга интилишмоқда, шунинг учун ҳам кийим-кечаларни гоҳ юксак дид билан тикиш талаб қилинади. Бежирим ва кўрнам кийим-кечаларга бўлган эҳтиёж бугунги кунда айниқса ўсиб кетгани ҳаммага равшан. Фирмаимиз чеварлари аҳолининг ана шу талаб-эҳтиёжини яхши тушуниб, улар адидага мос маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳаракат қилмоқдалар.

Утган йилларга бир назар ташлайлик. Инженер-техник ҳодимларимиз, тикувчиларимиз ишлаб чиқаришда янги техника ва илгор технологияни жорий этиш, ишлаб чиқаришни ташкил қилишни яхшилаш ва қўл меҳнати талаб қилмайдиган ишларни механизациялаш ва автоматлаштиришда кўпгина ютуқларга эришдилар. Меҳнат унумдорлиги ҳам мутасил ошиб бори.

Бугунги кунда фирмаимиз замонавий машина ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланган йиринч корхонага айланди. Беш йилликда меҳнат унумдорлиги 30 процентдан ҳам юқори кўтарилиди. Юбилей йилда эса бу рақам 80 процентга етди. Натияжада пиландан ташқари бир неча миллион сўм фойда қўрилди.

Фирмаимиз тикувчилари, инженер-техник ҳодимлари бугунги

кунда асосий эътиборни маҳсулот сифатига қаратишяпти. Чиндан ҳам сифат — корхона коллективига шараф келтирадиган, унинг меҳнати кўзгусидир. Харидор аввало, маҳсулот сифатига қараб уни ишлаб чиқарган корхона ишига баҳо беради. Демак, маҳсулот сифати — корхона шухрати. Биз шунга амал қилгачми.

Юбилей йилида 8 хилдаги янги маҳсулотимизга давлат «Сифат белгиси» берилди. Бундай юқори баҳога республикаимизда биринчилар қатори эришганимиз билан фахрланамиз. Аммо, бу сўнгги чегара бўлиб қолмайди. Бу йил «Сифат белгиси» олган ана шу 8 та модель асосида 10 минг дана пальто ишлаб чиқаришни кўзда тутишимиз.

Янги йил арафасида коллективимиз Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Тошкент ГРЭСи, Тошкент трактор заводи ҳамда Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металл комбинати коллективлари билан биргаликда КПСС XXIV съезди шарафига янги социалистик мажбурият қабул қилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маълумлаган бу мажбуриятда шу йилнинг биринчи квартал планини маҳсулотни реализация қилиш бўйича 24 мартда бақариш, пиландан ташқари 600 минг сўмлик маҳсулот реализация қилишга сўз берганимиз. Бу йил меҳнат унумдорлигини 10 процент оширамиз.

Чеварларимиз хом ашёдан тежаб фойдаланиш, ишлаб чиқариш технологиясини яхшилаш туфайли шу кварталда 15 минг квадрат метр, йил давомида эса 50 минг квадрат метр турли газ, ламалар тежаб қилишга аҳд қилишди.

Сифат бундан буюм ҳам ишчимизнинг асосий мезони бўлиб қолаверади. Бу йил маҳсулотнинг туқизига янги моделини тайёрлаб давлат «Сифат белгиси» олишга қатъий эътибор қилиш, ҳозирча иккинчи қилинади қизлар пальтосининг бир неча моделлари тайёр ҳисоб. Янги хил моделларни тайёр

лашда ва аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда фирмаимизнинг айниқса 9. цехи коллективни бош қаларга ўрнатган бўлмоқда. Ушлаб ҳамкасбларимиз съезд олди мусобақасида намуна кўрсатиб, аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришяпти.

Корхонаимизнинг фақат эркаклар ва аёлларнинг маъсумари ва қишқи пальталар ишлаб чиқаришга ихтисослашгани меҳнат унумдорлигининг ошиши ва маҳсулот сифатининг яхшиланишига ёрдам бермоқда. Кейинги йиллар ичида фирмада 254 дон аяни жиҳозлар ўрнатилди, 52 та турли асбоб-ускуналар тақомиллаштирилди. Натияжада фирмаимиз олаётган иқтисодий фойда ҳам йилдан-йилга ошаётган.

Бизда «Сифат кўни» ўтнашиш одат тусига кириб қолган. Унда у ёки бу цехда, бригада ва смелаларда маҳсулот сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари белгилаб олинади. Цех бошлиқлари, участка мастерлари, инженер-технолог, конструктор ва эконоmistлардан иборат махсус комиссия маҳсулот сифатини текшириб, алоҳида журналга белгилаб боришади ва «Сифат кўни» муҳомадасига қўйишади. Бу яхши самара бермоқда.

Одамлар диди тез ўсиб боришини ҳисобга олиб, аҳоли эҳтиёжини қондириш мақсадида ҳар йили кийимларнинг 130-140 янги моделини ўзлаштирялмиш. Бу жамм моделининг 70-80 процентини ташкил этади. «Сифат белгиси» олган янги моделдаги кийимлар махсус цехда тайёрланади. Бу ер эстетика ва ишлаб чиқариш маданиятининг ҳамма талабларига мосдир.

Республикаимиз саноат корхоналари коллективларининг шу кунларда съезд шарафига маҳсулот ишлаб чиқаришни тобора кўнайитиришга интилаётгани кўзга кўринади. Албатта, аммо уларга бизнинг бир истагимиз бор. Давлат «Сифат белгиси» олиш учун кўпчилик корхоналарда имкониятлар етарли. Янги замонавий техника жиҳозлари, юқори малакали ишчилар ҳатто мажон намуналарни даражасидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради. Афсуски, кўпгина завод ва фабрикаларда ҳали ҳам сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқараётган, ўз имконини даражасида яхши маҳсулот бериётган коллективлар бор.

Биз Ўзбекистондаги барча саноат корхоналарининг ишчиларини фақат аъло сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ва ўз корхонасининг шухратини янада ошириш учун курашга чақирамиз.

Ҳамида НИЕЗОВА,
Янги-Чак.МАРИЯ,
Нахон АБДУСҲОТОВА,
Н. ЕРЕМОВА,
Тошкентдаги «Қизил тоғ» тикувчилик фирмасининг чеварлари.

*
«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
СИРДАРЁ ГРЭСИДА
*
СЪЕЗД ЙИЛИ
ЧОРЛАЙДИ
*
ФОТООБЪЕКТИВДА
НОМ ҚОЗОНГАНЛАР
*



«Совет Ўзбекистони» МЕХНАТИНГ- ХУРМАТИНГ

Республикаимизда омади келган ишчилар, обрўли коллективлар жуда кўп. Шахрихон пахта тозалаш заводи коллективни шулардан бири. Заводнинг шухрати кейинги беш йил ичида беиҳс ортди. Завод тамғаси босилган тола ўн етти давлатга манзур бўлган. Завод коллективини уч кварталдан буюн Бутуниттфуқ социалистик мусобақасида голиб чиқиб, СССР Енгил саноат министрига, тўғимачилик ҳамда енгил саноат ҳодимлари касбада союз Марказий Комитетининг кўмақи Қизил байроғини кўлда сақлаб келмоқда.

Биз яқинда шу заводнинг илгор ва ишчилармон, кўпчилигининг хурмат-эътиборини қозонган бир гуруҳпа илгор ишчилари билан тўғарак стоп атрофида матбуот конференцияси ўтказдик. Сухбат мавзуси ишчининг корхона шухратини кўтаришда тугган ўрни, ташаббускорлигини ошириш, нааминчиларга мурасасизлик вазиятини явулда келтириш, ишчилар синфининг муносиб ворисларини етиштириш масалалари ҳақида бўлди. Куйида ана шу дарвадгаи суҳбатни эътиборингизни ҳавола қилаётимиз.

СЪЕЗДдан сўзлашган завод ҳаётида катта ўзгаришлар рўй берди. Корхонада беш йиллик план муддатидан илгари 5 ноябрда бақарилиди. Пиландан ташқари 4987 тонна тола, 864 тонна мотик ишлаб чиқарилиди. Мулкдагидан 3 миллион 459 минг сўмлик кўп маҳсулот реализация қилинди. Маҳсулот таннарих 954 минг сўмга арзонлаштирилди. Олинган фойда 1 миллион 250 минг сўмдан ортиб кетди.

Маҳсулотнинг сифатини яхшилаш—коллективнинг диққат марказида турди. Ҳафтаининг бир кунини сифат кўни, деб ўзлон қилинган. Ўша кунини бир ҳафта давомида ишлаб чиқаришга тола ва мотикнинг сифатига ҳолисона баҳо берилади. Ютуқлар умумлаштирилади. Йўл қўйилган нааминчилар юз-хотирасиз очиб ташланади, уларнинг эъди билан бартараф этиш тадбирлари белгиланади ва илчиллик билан амалга оширилади.

Оқибатда завод ишлаб чиқарган толаннинг шухрати ортди. Илгари ишлаб чиқарилган тола мамлакатимиздан четга чиқмасди. Ҳозир маҳсулотимиз жаҳон бозорига чиқди! Завод директори ТУРСУНБОЙ КАРИМОВ суҳбат давомида заводга келаётган шикоятлар кескин камайиб кетганини айтди. Корхона ишлаб чиқараётган толаннинг 70 проценти, мотикнинг 99,5 проценти стандарт талаби даражасида бўлди. Заводимиз маҳсулотининг сифатини яхшилашга ва экспортга кўплай тола жўнатгани эъзизига 175,4 минг сўм мунофот олди.

Бу ютуқларга қандай эришилди? Бу ҳақда смена мастери Меҳнат Қизил Байроқ ордени ишчи ЖУРА АҲМЕДОВ гапирди.

Кечати ишчи билан бугунги ишчи ўртасида катта тафовут бор. Уларнинг дунё қарашини фарқлаш доираси кенгайди. Қайси бир ишчи билан суҳбатлашсанг, ўз ишини беш кўлдек биласан, инженерга гапирасан, анча-мунча мутахассисдан қилишмайди. Машинанинг «сирини» овоздан билдиришлар бор. Ютуқларимиз боис шу техника жашоворлари кўпайди.

Утган беш йил давомида 16 та «ЧМЗ» марна

ФАКТЛАР... РАҚАМЛАР...

Корхоналарда ишчиларга янги касб ўргатиш, уларнинг малакасини оширишга эътибор кучайтирилмоқда. Янги беш йиллик арафасида 130,2 минг ишчи янги касбларни ўрганди, 174,9 минг ишчи ўз малакасини оширди.

Ўзбекистон ССРда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йилдан-йилга кўпаймоқда. Биргина республика пахтачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот республикадаги янги саноат маҳсулотининг анчагина қисmini ташкил этади.

Республикаимиз саноат корхоналарида транспорт, алоқа ва қурилиш соҳаларида ишлаётган хотин-қизлар сонини йилдан-йилга ортиб бормоқда. Янги беш йиллик арафасида саноатда ишлаётган ишчилар миқдорига нисбатан хотин-қизлар сонини 44 проценти, алоқа соҳасида эса 50 проценти, транспорт ва қурилишда 18 проценти ташкил этди.

— МИХАИЛ ВОРОНЮК... НУР ШАЙДОСИ

— Эндиликда бу ном мизрачуликларга жуда таниш бўлиб қолди. У машҳур курувчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган буюкор Тўхтасин Жўрабоевнинг шогирди. Михаил устозининг ишончини оқлади. Устоз юрган йўлдан юриб, обрў топди, шухрат қозонди.

Михаил ҳали жуда ёш. Улуг Ватан урушини йиллари Украинада тутилди. Отасининг дийдорини кўролмади. Дадаси Пётр Николаевич фронтга кетиб, қайтиб келмади.

Онаси София чақалоғини бағрига босиб, душман ўқидан ҳимоя қиламан деб не-не азобларни чекмади. Углини кўз қорачигидек асраб, урушдан омон чиқарди. Михаилни ўқитди, воёга етказди. Ватан уни хизматга чақирди. Лаббай деб борди, хизматини аъло ўтади. Уни ҳарбий қисмда КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилишди. Ушанда удан келмак режалари тўғрисида сўраб қилишди.

— Хизмат тутагач, нима иш қилмоқчисиз, ўртоқ Воронюк?

— Қўдан буюн бир нарсани ўйлаб юрибман, Ўзбекистонда кўриқ ер очилаётганини эшитдим... Уша тарафга бориш ниятим бор. Ваъдасига вафо қилиб, мизрачулга келди. Ётти йилдан буюн шу ерда. Тўхтасин ота билан ҳам шу ерда танишди. У қаён нур шайдоси бўлиб қолди.

У Сирдарё ГРЭСи қурилишини бошлаб берганлардан. Даставвал бетон заводини қурдилар. Йўлларни бетонлаштиридилар. Брамчи биноларга пойдевор ётқизилди.

Улуг доҳимиз Лениннинг юз йиллик юбилейи арафасида ГРЭСда тарихий воқеа юз берди. Катта нур мавбанинг бош корпусига биринчи кўб метр бетон ётқизилди.

Биз шарафли вазифа ҳам устоз ва шогирд зиммасига тушди. ГРЭС бошқармасига кираверишнингиздаги кўрғазмага қўйилган суратлар орасида бир ҳужжат бор. Унда Тўхтасин Жўрабоев билан Михаил Воронюкларнинг биринчи бетон ётқизаётгани акс эттирилган. Орадан бир неча ой ўтди. Бош корпус майдончасида улкан пойдеворлар қад кўтарди. Қурилиш майдони Бекобод шамолига рўбарў, Шамол қиш ва илк баҳорда айниқса кучли эсади. Шундай пайтда шамол турган тарафга қараган эшикни очиб ҳам жуда амри маҳол. Ундай-бундай қишнинг кучи етмайди. Ҳаво қуруқ келган чоғларда чанг ва тўзон кўз очгани қўймайди. Ленин шунга қарамай қалб олов

курувчилар ишчи бир минут ҳам тўхтатишмайди. Тунда прожекторлар ёрдамида ҳам ишлашади. Бугун кечагидан, эртага бугунгидан самарали меҳнат қилиш, олдларига қўйилган шарафли вазифани жон диллари билан бажариш Воронюк бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси аъзоларининг шiori. Бу бригадани «Дўстлик» бригадаси деб ҳам аташади. Бригадирнинг ўзи украин. Аъзолари Анна Вильсонова—рус, Эшмурод Хасанов—ўзбек, Нурсина Шайхутдинова—татар, Ҳақима Шайхатарова—удмурд, булардан ташқари бригадада составида тожик, қозоқ ва бошқа миллат вакиллари ҳам бор.

Бригада азаматлари КПСС XXIV съезди шарафига оспирлан мажбурият олдилар. Улар съезд очилганга қадар 9 минг 300 кўб метр бетон ётқизишга сўз бердилар.

Т. ЖАМОЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

— Ишчиларнинг тоби қочиб қолса район марказидаги давлат муассасаларига бориб юрмайдилар. — деди ажратиб цехининг слесари ВАХОБЖОН МАҲАММАДЖОНОВ суҳбатни давом эттириб, — заводимиз ҳузурида корхона фонди ҳисобига саломатлик пункти қурилган. Медицина пункти ва физиотерапевтика кабинетини жиҳозлаш учун корхона фондидан маблаг ажратилиб, 7 минг сўмлик замонавий асбоб-ускуналар сотиб олинди.

Энг муҳими заводимиз ўз кўрортига эга. Чортоқ суви келтирилиб ойқ оғриги, бел оғриги касалига чалинган ишчилар даволанадиган 50 ўринли шифохона очилган. Бу ерда марказий санаторийлардагидек шароит яратилган.

— Корхонаимиз ишчилари бошқа йўллар билан ҳам руҳлантриб турилади. — деди пресловчи ҲАЙИТБОЙ УСМОНОВ, — 1969 йилда касбада союз комитети ишчи ва хизматчиларини мунофотлаш учун 993 сўм, корхона маъмурияти эса 12 минг сўм сарфлади. Бултур бундан ҳам кўпроқ мунофот берилди.

Турсунбой Каримов суҳбатга яқун ясади. У якуловчи сўзга завод коллективининг яқинлашиб келаётган партия XXIV съезди шарафига олган юксек мажбуриятларини тарҳлаб берди. Завод коллективни биринчи квартал планини барча техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича 28 мартга бақариш, пиландан ташқари 200 тонна тола, 24 тонна мотик ишлаб чиқаришга аҳд қилди. Шу дарв ичида планга қўшимча 200 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

Завод коллективни ана шундай ният билан, ҳорай-толмай ишлашяпти.

Ўзбекистон саноат корхоналарида фидоқорона меҳнати билан эл-юрт оғзига тушиб ном қозонаётган ишчилар кўпайиб бормоқда. Фото мухбирларимиз И. Глазберзон ва В. Сироткин ўртоқлар катор корхоналарда бўлиб, шундай илгор ишчиларни суратга тушириб келдилар. Суратларга съезд олди социалистик мусобақасида пешнадамлик қилаётган Тошкент тўғимачилик комбинатининг ишчилари Надя Таранова ва Нина Капаня, Қўқон ил йигирув-пайлоқ тўғув комбинатининг мастер ёрдамчиси Оқил Қосимов, Тошкент тўғимачилик комбинати гул солиш фабрикасининг ишчиси Фарид Нуралиева, Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металл комбинатининг илгор полировачи-пардозовчиси Людмила Дорошек ўртоқлар иш устида.



